

5-10-2019

Factors of raising the level of spiritual and social activity in the youth

Nuriddin Akhmadiev
Ferghana State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Akhmadiev, Nuriddin (2019) "Factors of raising the level of spiritual and social activity in the youth," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 1 , Article 22.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss1/22>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

Factors of raising the level of spiritual and social activity in the youth

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ЁШЛАРДА МАЪНАВИЙ ВА ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИКНИ ЮКСАЛТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Ахмадиев Нуриддин Мухитдинович
ФарДУ таянч докторанти.

Аннотация: Мазкур мақола бугунги кун ёшларида тарбиявий қадриятларни шакллантириш, инсон, оила ва жамият тушунчасини янада ривожлантириш, таълим ва тарбия орқали ёш авлодни ҳуқуқ ва бурчларини англашга ўргатиш, миллий меросимизни янада асраб-авайлаб, келажак авлодларга етказиш каби вазифалар таҳлилига бағишланган. Унда ёш авлод маънавияти ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш омилларига алоҳида эътибор берилган.

Калит сўзлар: Ижтимоий фаоллик, миллий анъаналар, маданият ва санъат, жамият, миллий қадриятлар, ростгўйлик, халқпарварлик, инсонпарварлик, умуминсоний ахлоқ, фаровон турмуш.

ФАКТОРЫ ПОВЫШЕНИЯ УРОВНЯ ДУХОВНОЙ И СОЦИАЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ МОЛОДЕЖИ

Ахмадиев Нуриддин Мухитдинович
базовый докторант ФерГУ

Аннотация: Эта статья посвящена формированию образовательных ценностей в современном возрасте, дальнейшему развитию концепции человека, семьи и общества, обучению прав и обязанностей молодого поколения через образование и воспитание, дальнейшему сохранению нашего национального наследия и продвижению будущих поколений. Особое внимание было уделено факторам повышения духовной и социальной активности молодого поколения.

Ключевые слова: Общественная деятельность, национальные традиции, культура и искусство, общество, национальные ценности, честность, гуманизм, универсальная мораль, процветающая жизнь.

FACTORS OF RAISING THE LEVEL OF SPIRITUAL AND SOCIAL ACTIVITY IN THE YOUTH

Akhmadiev Nuriddin Mukhitdinovich
PhD doctorate.

Abstract This article is devoted to the formation of educational values in today's age, the further development of the concept of human, family and society, teaching the young generation rights and responsibilities through education and upbringing, further preserving our national heritage and promoting future generations. Particular attention was paid to factors of raising the spiritual and social activity of the younger generation.

Keywords: Social activity, national traditions, culture and art, society, national values, honesty, humanism, , universal morals, prosperous life.

Маънавий етук ва баркамол ёшларни тарбиялашда халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, миллий анъанала-

римизнинг сақланиши ва мазмунан бойиши, шунингдек, маданият ва санъат, илм-фан, таълим-тарбиянинг ҳар томонлама ривожланиши алоҳида аҳамият касб этади. Таълим-тарбия орқали мустақил фикрлайдиган, эркин, билимли, бир сўз билан айтганда, баркамол шахсни вояга етказиш асосий мақсад қилиб белгиланади. Ёшлар ва уларнинг тарбияси, маънавий ва ижтимоий фаоллигини ўстириш юрт келажиги билан боғлиқ муҳим масала хусусида сўз юритганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”[1], деган сўзларини қайд этиш ўринлидир.

Ёшлар тарбиясини шакллантиришнинг асосий омиллари хусусида сўз юритар эканмиз, шубҳасиз, ислом дини маданиятининг ёш авлод камолотидагина аҳамиятини таъкидлаш зарур. Бутунги кунда миллий қадриятлар қатори диний қадриятлар маънавий ва маърифий ҳаётимизнинг таркибий қисмига айланиб қолди. Зеро, “Биз ислом дини ота- боболаримиз дини экани, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканини доимо юксак қадрлаймиз... Динга ҳурмат ва эътиқод- биз учун ўлмас қадриятдир”[2].

Миллатнинг равнақ топишида, шу асосда баркамол келажак барпо этилиши-да тарихан шакланган миллий ва диний қадриятларнинг аҳамияти беқиёсдир. Миллий қадриятлар, аввало, ҳар бир миллатнинг ифтихори, фахри, шу билан бирга маънавий меросининг пойдевори ҳамдир. Англашиладики, халқимизга, хусусан ёшларимизга миллий ғояни сингдиришда ислом дини омилининг алоҳида ўрни бор. Бойси, диний қадриятларимизда маънавий-ахлоқий поклик, иймон- эътиқод етуқлиги, илму ҳунарнинг инсон ҳаётидаги ўрни, ҳақиқат ва диёнат сингари кўплаб масалаларга алоҳида эътибор берилгани, инсон амал қилиши лозим бўлган эзгу ишлар, юксак ахлоқий фазилатлар тарғиб қилингани, маданият, маънавият, маърифат, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия хусусида ислом таълимотида баён этилган асосий қоидалар, ҳуқуқий меъёрларнинг аҳамиятини бутун дунё эътироф этаётгани бежиз эмас.

Улуғ бобокалонимиз, соҳибқирон Амир Темурнинг етти йиллик юриши пайтида Мордин қалъаси қамал қилинади. Қамал чоғида Мирзо Улуғбек туғилгани ҳақида хабар келади. Сарой мунажжимларининг башоратига кўра, Мирзо Улуғбекнинг келажакда ҳам султон, ҳам улкан олим бўлиши билдирилади. Амир Темур бу хабардан жуда ҳам севинади. Амир Темур хонадонида ўрнатилган тартибга кўра, шахзодалар тарбияси уларнинг она-лари зиммасида эмас, балки буви-бибилари зиммасида бўлган. Мирзо Улуғбекнинг онаси Гавҳаршодбегим бўла туриб, унинг оилавий тарбияси билан Сароймулкхоним шуғулланган. Амир Темур бобо сифатида Мирзо Улуғбекнинг ҳарбий иш, давлатни бошқариш, илм эгаллаш борасидаги тарбиясига алоҳида эътибор қаратади. Натижада Мирзо Улуғбек нодир шахс, маърифатпарвар давлат арбоби, бутун дунёга машҳур олим бўлиб етишади. [3] Бундан англашиладики,

авлодлар келажаги, комиллигига эътибор улуғ аждодларимиздан қолган юксак қадрият ҳамдир.

Маълумки, Шарқда яратилган қатор мусулмон этикасининг ноёб намуналари бўлган асарлар ёшларни маънавий – ахлоқий шакллантиришда асосий мезон, қоида, қўлланма, маслаҳатдан иборат пандномалар сифатида хизмат қилиб келган. Бу борада айниқса, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Шайх Саъдийнинг “Тулистон”, “Бўстон”, Абдурахмон Жомийнинг “Бахористон”, Мир Алишер Навоийнинг “Маҳбуб –ул –қулуб”, “Ҳайрат ул- аброр” каби асарлари ўзбек миллий ахлоқини, маънавиятини, қадриятини юксалтиришда катта эътиборга молик шоҳ асарлардир. Оилани мустаҳкамлаш, фарзандларини комил инсонлар қилиб тарбиялашда бевосита Шарқ мутафаккирларининг меросидан миллий қадриятлар сифатида фойдаланиш ҳозирги кундаги оилаларда мавжуд айрим нотабиий муносабатлар, кўринишлар ҳамда коммунистик турмуш юритиш тарзи қонуниятлари, ўзбек оиласига зўрма-зўраки киритилган тарбия усуллари бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади. 74 йиллик мустамлака даврида айрим ўзбек оилаларидаги миллийлик ўз шакли ва мазмунини йўқота борди. Хатто мен ўзбекман дейишга, ўз миллатидан орланишгача бориб етган вақтлари ҳам бўлди. Бундай қарашнинг оқибат натижаларини нафақат ёшлар, балки ота- оналарнинг ўзбек тилини менсимай рус тилида гаплашишида, миллий урф-одатлар, яъни қадриятларни менсимай, эскилик сарқити деб қарашларида, оилада болалар тарбиясида ғарб ва рус маданиятига тақлид қилишда, оилада ўзаро бир- бири билан алоқа муносабатида, қайнона- келин, қариялар, ота- оналар ва фарзандлар ўртасидаги ғарбона муносабатларда кўриш мумкин. Мана шундай нуқсонларни йўқотиш ва олдини олишда, оилани мустаҳкамлашда, ўсаётган фарзандларни комил инсонлар қилиб тарбиялашда Шарқ мутафаккирларининг бебаҳо фикрлари, дурдона асарлари, уларнинг пандномалари-ю, ривоятларидан оқилона фойдаланиб, уларнинг маслаҳатларига амал қилган ҳолда иш олиб бориш тарбияда қўлланган мақсадга эришишнинг муҳим омили эканлиги нафақат фанда, балки кундалик турмуш фаолиятида исботланди.

Ота-боболаримиздан қолган бой маънавий мероснинг ёш авлоднинг ҳар томонлама юксалиши тизимидаги ўрни ва роли ўзига хос хусусиятга ва кўринишларга эга. Улардан баъзиларини тарихий манбаларга таянган ҳолда қисқача кўриб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Абу Наср Форобий сиёсатни давлатни бошқариш санъати сифатида талқин этиб, давлатни бошқаришни икки хил: бири шаҳар аҳолисини ҳақиқий бахтга элтувчи бошқарув иккинчиси, ёлғон, қалбаки бошқарув типларига ажратиб кўрсатади. Шу йўл билан Абу Наср Форобий ҳукмдорни ахлоқий покликка, маънавий камолотга эришишга чақиради. Чинакам «Бахт-саодатга эришишнинг бирдан-бир йўли, барча эзгу ишларни хайрли ниятлар ила бажариш, фазилатли амалга таяниш баробарида разолат ва бахтсизлик келтириб чиқариши мумкин бўлган ишлардан ўзини тия билишдир»[4],-дейди мутафаккир.

Минг йиллик тарихга эга бўлган Марказий Осиё халқларининг муштарак бадий мерос намуналари бўлган «Манас», «Алпомиш», «Гўрўғли» каби

достонлар асрлар давомида халқ оғзаки ижодиёти на-муналари тарзида авлоддан-авлодга ўтиб, келажак авлодлар маънавий дунёси, руҳий олами, миллий кадриятларининг шаклла-нишида муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. [5]

IX–XI асрлар давомида Марказий Осиёда яшаб ўтган Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Исмоил ал-Бухорий, Ат-Термизий, Абу Наср Фа-робий, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Али ибн Сино, аз-Замахшарий, Кайковус каби буюк алломалар яратган асарларда шахс, оилада бола тарбияси, унинг инсон ҳаёти, фаолиятидаги аҳамияти ёрқин мисолларда ўз ифодасини топган. Бу олимлар ўз ижодлари, асарлари билан Марказий Осиё халқлари шухратини бутун оламга ёйдилар. [6]

Улар ўз асарларида таълим-тарбия ва ахлоқ-одобга оид педагогик фикрлар, инсонпарварлик, билимга эътиқод, халқ манфаатини ҳимоя қилиш, улуғлаш, комил инсонни тарбиялаш, адолат ва халқпарварлик та-мойилларига асосланган етук жамоа барпо этиш каби ғоялар катта ўрин эгаллади. Бу асарлардан ўрин эгаллаган инсоннинг бахтли фаровон ҳаёти, маънавий камолотга эришиши, оила қуриши, бола тарбиялашдаги масъулияти ва бурчлари, оила муқаддаслиги каби масалалар мана шу ғоянинг ёрқин тасвиридир.

Шунингдек, «Авесто»да таъкидланишича, тарбия ҳаётнинг таянчи, шу боисдан, ҳар бир болани оилада яхши ўқиш ва ёзишга ўргатиш лозим, уни ёшлик пайтиданоқ меҳнат қилишга, меҳнатнинг таги роҳат эканлигини англаши учун дарахт кўчати ўтказиш, уй-рўзғор қуроллари ясаш, ерга ишлов бериш ва чорва билан шуғулланишга ўргатилиши шарт дейилган.

XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросондаги машҳур қомусий билим эгаларидан бири Воиз Кошифий асарларида ижтимоий-ахлоқий ҳаёт, маънавият масалалари катта ўрин эгаллаган. Уларда инсонпарварлик, халқпарварлик, юқори маънавиятга эга бўлиш, маданий юксалиш ғоялари илгари сурилган. Кошифий «Ахлоқи Муҳсиний», «Ахлоқи Карим», «Искандар ойнаси», «Жавоҳирнома», «Тафсири Ҳусайн» каби асарларида ахлоқий таълимотни етакчи ғоя сифатида олиб чиқади. Кошифий салбий ахлоқий хислатларни қоралайди ва уларнинг инсон ҳаёти ва жамият учун катта зарар олиб кели-шини қатор ҳикоят ва ривоятлар билан кўрсатади. Кошифий ижобий хислатларни кишиларда бўлиши шарт бўлган инсоний фазилат деб тушунади ва сабр, ҳаё, ифбат, покизалик, собитқадамлик, сахийлик, саховат, ростгўйлик, шижоат, камтарлик, хушёрлик, баланд ҳимматлилик, диёнатлилик, аҳдига вафолик, андишалик, иззат-ҳурматни билиш, сир яшира олиш каби фазилатларни бирма-бир таърифлаб ўтади.

XI асрнинг буюк тарбияшунос мутафаккири Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» («Саодатга элтувчи билим») асари ахлоқ-одоб, таълим-тарбия ҳамда маънавий камолотнинг йўл-йўриқлари, усуллари, чора-тадбирларини мужассамлаштирган асардир. У том маънода дидактик асар, таълим-тарбия ва ахлоқ-одоб дарслигидир. Юсуф Хос Ҳожиб ўз қомусий китобида олиб чиққан барча масалаларни таълим атрофида олиб боради, таълимни бош ўринга қўяди. У ўз асарида кишиларни дунё ишларининг барчасидан огоҳ бўлишга, бунинг учун

билим ва заковат эгаси бўлишга чақиради. Мана шу ўринда тарбиянинг вазифаси ва кадр-қиммати муаммоси юзага келадики, тарбия, авваламбор, оиладан бошланишини уқтиради. Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарига оилада ота-оналарнинг бола тарбиясига оид қарашларини баён этади, фарзанд кўриш ва унга яхши тарбия бериш ҳар бир инсон учун буюк бахтлигини, уларсиз ҳаёт маъноси йўқлигини таъкидлаб ўтади. Лекин бу нарса ота-онага жуда катта масъулият юклайди, унинг урдасидан чиқмоқ ҳар бир ота-она учун ҳам фарз, ҳам қарзидир, деган фикрларни билдиради. Юсуф Хос Ҳожибнинг таъкидлашича, оила тарбияси болаларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасининг меъмори дир.

Жамият тараққиёти ва инсон камолоти жараёнида маънавиятнинг барча қирралари ўзаро боғлиқ ҳолда шаклланади ва ривожланади. Ахлоқий маданият ёш авлод баркамол келажаги учун муҳим замин яратувчи муҳим руҳий омил ҳисобланади. Кишиларнинг жамиятдаги ахлоқий хатти-ҳаракатлари, яшаш қоидалари, ғоялар ва ҳиссиётлари ва уларни инсон онгида акс этиши, шубҳасиз, ахлоқий маданиятга боғлиқ. У эса ўз навбатида инсон характериға сингиб, одоб, билим, эътиқод, виждон, иймон, садоқат сингари хислатларнинг шаклланишиға хизмат қилади. Маънавиятнинг бу жиҳатлари ёш авлоднинг ижтимоий фойдали инсонлар бўлиб улғайишлари учун ҳам зарур асосдир. Биз ўз тарихи билан фахрланадиган инсонларни тарбиялашимиз ва шакллантиришимиз, бунда миллий ғурур ва миллий кадриятларимизға таянишимиз, умуман олганда, фарзандларнинг маънавияти ва ижтимоий фаолиятиға таъсир кўрсатувчи барча омилларға эътиборни кучайтиришимиз муҳимдир. Зеро, ёшларимизни мамлакат келажаги учун жавобгарликни англашиға ёрдам беришликни, айниқса, олимлар, зиёлилар ва сиёсатшунослар олдида бу соҳада амалға оширилиши керак бўладиган амалий ишларнинг механизмлари ва технологиялари ишлаб чиқилиб, амалиётға тадбиқ этилаётгани қувонарлидир.

Мамлакатимизда ижтимоий ривожланишнинг устувор тамойилға айланиши ўз навбатида ўсиб келаётган ёш авлоднинг ижтимоий фаоллиги, яъни унинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки, меҳнат ва маданий-маърифий фаолиятининг кучайиши, қонунда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва бурчларини тўлиқ амалға оширишға интилишиға, жамиятға ўз ўрнини топиш йўлида таяниши мумкин бўлган муҳим омилларға эътибор қаратишни тақозо этади. Бу борада илм ва маърифат, меҳнат ва ватанпарварликни олий даражаға қўйган кекса авлод вакиллари муҳим тарбиявий тимсолдир. Улуғ аллома бобокалонимиз Абу Лайс ас-Самарқандий ёзганидек, ҳар бир илми зотдан даврининг аҳли зиё олади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “олдимизға қўйган улкан вазифаларни амалға оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур. Хусусан, миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим” [8], дея билдирган фикрларида мамлакат келажаги билан боғлиқ ҳар бир мавзу устида алоҳида иш олиб бориш,

Ўрганишлар натижаларидан ёшларни камолга етказишда ўринли фойдаланиш ишларига берилган кенг рағбатни кўришимиз мумкин. Ижтимоий ривожланиш ва ёшлар ахлоқий маданиятини шаклланиши, унинг муҳим омиллари масаласи ҳам айни давлатимиз эътибори остидаги масала бўлиб, ёшлар маънавияти ва ижтимоий фаоллигини ўстириш омиллари унинг ўрганилиши илмий-ижтимоий ўсиш учун гоаяқ аҳамиятлидир.

Ёш авлодни тарбиялаш юрт истиқболи билан боғлиқ долзарб жараён экан, бунда давлат, жамият ва оила муштараклиги, фарзандлар тарбияси олдидаги кучли масъулият ҳисси ҳамиша уйғоқ бўлиши керак. Таъкидлаш керакки, ёшлар маънавияти, уларнинг ижтимоий фаоллиги жамият ривожини ва эртаси билан муштарак экан, унга таъсир кўрсатадиган ва ривожлантирадиган ҳар бир омилни синчиклаб, илмий назарий асосларини амалий тадқиқотлар билан уйғунликда ўрганиш бугунги изланувчан тадқиқотчилар олдида турган асосий вазифалар сирасидандир.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларда маънавий ва ижтимоий фаолликни юксалтириш омиллари масаласини кенг таҳлил қилиш бугунги илмий жамоатчилик олдидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб, бунда ёш авлод тарбиясида алоҳида аҳамиятга эга бўлган оила, миллий ва диний қадриятлар, бой маънавий мерос сингари муҳим омиллار тадқиқи ўзининг амалий натижадорлигини кўрсатади.

References

1. Mirziyoev SH.M. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. –T.: O'zbekiston, 2016. B.34
2. Karimov I.A. Ozod va obod Vatan, erkin va farovon hayot-pirovard maqsadimiz. – T.:2000. B.26
3. Akramova F. Bilolova Z. O'zbek oilalarida ma'naviy-axloqiy muhitni shakllantirishda keksa avlodning ta'siri. Zamonaviy ta'lim. 2016. B.5
4. Abu Nasr Forobiy. Fazilat, baxt-saodat va kamolot haqida. -T: Yozuvchi, 2001. 12.B
5. Mamarajabov B. Milliy qadriyatlarimiz tarbiyaning samarador omili sifatida. Zamonaviy ta'lim. 2014. B.4
6. Donishmandlar tarbiya xususida. – T.: «O'qituvchi», 1982. B.67
7. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. [president.uz](https://www.president.uz)